



**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

**Бухоро давлат университети**

**ректори**

**А.А.Тулаганов**

*сентябрь* **2017 й**

**“Олий маълумот ҳақидаги дипломни тасдиқлаш” интерактив  
хизматининг намунавий регламенти**

**1. Хизмат таърифи**

**1.1. Хизмат (паспорти) номланиши**

Бухоро давлат университети (Университет) расмий веб-сайти орқали “Олий маълумот ҳақидаги дипломни тасдиқлаш” интерактив хизмати.

**1.2 Хизмат натижаси**

Университетни битирганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг ҳаққонийлиги тасдиқланади ёки рад этилади

**1.3. Хизмат кўрсатувчи органлар**

Бухоро давлат университети

**1.4. Ҳуқуқий асослар**

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Жисмоний ва юридик шахслар марказий маълумотлар базаларини шакллантириш ва “Электрон ҳукумат” тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 17 декабрдаги 365- сонли қарори.
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2007 йил 23 августдаги 181-сон қарори.

**1.5. Хизматдан фойдаланувчилар**

Жисмоний ва юридик шахслар

**1.6. Ариза бериш муддатлари**

Муддати чекланмаган

**1.7. Бажарилиш муддатлари**

1-3 кун



## 2.Хизматдан фойдаланувчиларга маълумот тақдим этиш

### 2.1. Маълумот таркиби ва ҳажми

Мазкур хизматдан фойдаланиш учун мурожаат қилган ҳар қандай фойдаланувчига қуйидаги ахборот тақдим этилади:

- хизмат кўрсатувчи органнинг жойлашган жойи. Иш тартиби мурожаатларини кўриб чиқиш шартлари ва тартиби ҳақидаги маълумот;
- хизматдан фойдаланиш учун талаб этиладиган ҳужжатлар рўйхати;
- ариза бланкасини тўлдириш тартиби ҳақида маълумот;
- хизматдан фойдаланиш муддатлари;
- хизматнинг регламенти мавжудлиги тўғрисида маълумот.

### 2.2. Батафсил маълумот олиш

Университетнинг расмий (<http://buxdu.uz>) веб-сайти орқали

### 2.3.Хизмат кўрсатиш манзили ҳақида маълумот олиш

Бухоро вилоят, Бухоро шаҳар, М.Иқбол кўчаси, 11- уй  
Мўлжал: Абу Али ибн Сино номидаги фавворалар хиёбони  
Транспортлар: 6,76,33,75,86,88 - автобусларнинг “Олмос” кафеси бекати,  
72,25,37,11- автобусларнинг “Университет ётоқхонаси” бекати.

## 3.Иш вақтлари ва мурожаат жавобларини кутиш вақтлари

### 3.1. Иш вақти

Хизмат кўрсатувчининг иш вақти душанба куни соат 9<sup>00</sup> дан - 18<sup>00</sup> га қадар.

### 3.2. Кутиш шартлари

1-3 кун

## 4.Хизмат кўрсатиш тартиби

### 4.1. Зарур бўлган ҳужжатлари

-ЭРИ (электрон рақами имзо);  
-жисмоний шахсларнинг шахсий идентификацион рақами (ПИНФЛ).

### 4.2. Хизмат тўлови

Бепул.

### 4.3.Хизмат кўрсатиш босқичлари

Университетнинг расмий (<http://buxdu.uz>) веб-сайти орқали хизмат кўрсатиш босқичлари:

1. id.gov.uz орқали рўйхатдан ўтилади ва тизимга кирилади.
2. «Интерактив хизматлар» бўлиmidан «Олий маълумот ҳақидаги дипломини тасдиқлаш» хизмати танланади;



3. Жисмоний шахснинг шахсий идентификацион рақами (ПИНФЛ) киритилади;
4. Дипломнинг серияси ва рақами киритилади.

#### 4.4. Хизмат кўрсатишнинг ички идоравий жараёни

Университетни тугатган талабаларнинг диплом маълумотлари олдиндан Университетнинг маълумотлар базасига киритилган бўлади ва фойдаланувчи томонидан киритилган диплом серияси ва рақами маълумотлар базасидан автоматик равишда текширилади ва маълумотнома электрон нусхаси шакллантирилади.

Агар мурожаат этувчи томонидан сўралаган маълумотлар дипломлар базасидан топилмаса, рўйхатдан ўтилган электрон почта манзилига бу ҳақида маълумот масъул ходим (масъул ходимнинг Ф.И.Ш. лавозими телефон рақами) томонидан жўнатилади. Масъул ходим қайта таҳлил қилингандан кейин талаба сўраган маълумотлар университетда мавжуд бўлса, 3 (уч) кун ичида базага киритилади, акс ҳолда сўралган маълумотлар топилмаганлиги ҳақида хабар жўнатади.

#### 4.5. Рад этиш сабаблари


- диплом серияси ва рақами тўғри киритилмаганлиги;
- жисмоний шахснинг шахсий идентификацион рақами (ПИНФЛ) нотўғри киритилганлиги.

### 5. Хизмат кўрсатиш сифати

#### 5.1. Шикоят аризасини бериш тартиби

Рад этиш ҳолларида аризачи юқори турувчи ташкилотга қонунда кўрсатилган тартибда мурожаат этиш мумкин.

**“КИРИТИЛДИ”**  
Ходимлар бўлими бошлиғи  
  
Г.Т.Жумаева  
“ 27 ”                      2017 й

**“КЕЛИШИЛДИ”**  
Ахборот технологиялар  
маркази бошлиғи  
 М.З.Хусенов  
“ 27 ”                      2017 й